



ЕДИНАЯ ЭЛЕКТРОННАЯ СИСТЕМА РАЗРАБОТКИ И  
СОГЛАСОВАНИЯ ПРОЕКТОВ НОРМАТИВНО-  
ПРАВОВЫХ АКТОВ

Проект

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҚАРОРИ**

**Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 21 августдаги 704-сон қарори билан тасдиқланган  
Молия хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган тадбиркорлик субъектларини давлат  
реестридан чиқариш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш хақида**

VQL-4982/23-2

Бугунги қунда тадбиркорлик субъектини ташкил этишда ортиқча талаблар ва тартиб-таомилларни қисқартириш, соддалаштириш ҳамда давлат хизматлари кўрсатиш сифатини янада яхшилаш борасида тизимли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, тадбиркорлик субъектларини тугатиш жараёнида ортиқча талаблар ва тартиб-таомилларнинг мавжудлиги долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда.

Молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган корхоналарни тугатиш тартибини соддалаштириш, тугатиш жараёнини амалга оширишда асоссиз харажатлар қилишга олиб келувчи ортиқча маъмурӣ чекловларни бекор қилиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 21 августдаги 704-сон қарори билан тасдиқланган Молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган тадбиркорлик субъектларини давлат реестридан чиқариш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ тижорат ташкилотининг ҳаракатсиз ҳолатга ўтказиши амалиётини соддалаштириш мақсадида ушбу жараёнда солиқ органларида мавжуд маълумотларни тегишли идора ва ташкилотлар томонидан юбориш ҳамда камерал солиқ текширувани ўтказиши бекор қилишни назарда тутувчи ўзгартиришлар киритилсин.

2. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Солиқ қўмитаси **бир ой муддатда**:

Адлия вазирлиги ҳамда Марказий банк билан биргаликда ушбу қарорга мувофиқ амалга киритилаётган ўзгартиришлардан келиб чиқиб, ахборот тизимларини;

манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-хукуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирасин.

3. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – иқтисодиёт ва молия вазири Ж.А.Қўчқоров ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Солиқ қўмитаси раиси Ш.Д.Кудбиеv зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**А. Арипов**

Вазирлар Маҳкамасининг  
2024 йил \_\_\_\_ “\_\_\_\_\_” даги  
\_\_\_\_-сон қарорига  
илова

**Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 21 августдаги 704-сон қарори билан тасдиқланган  
Молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган тадбиркорлик субъектларини давлат  
реестридан чиқариш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришлар**

**1. 5-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:**

“5. Тижорат ташкилотларини молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган деб эътироф этиш учун қуйидагилар асос бўлади:

олти ой мобайнида молия-хўжалик фаолияти бўйича банк ҳисобваракларига пул маблағлари тушмаганлиги;

давлат рўйхатидан ўтган санадан бошлаб уч ой мобайнида банк ҳисобваракларини очмаганлиги;

давлат рўйхатидан ўтган санадан бошлаб уч ой мобайнида банк ҳисобваракларини очган, бироқ олти ой мобайнида:

молия-хўжалик фаолияти бўйича банк ҳисобваракларига пул маблағлари тушмаганлиги;

электрон ҳисобварак фактураларни расмийлаштирганлиги;

фискал модулга эга бўлган онлайн назорат-касса машиналари, виртуал касса ҳамда маркетплейс тўлов тизимидан фойдаланилмаганлиги;

экспорт ва импорт операцияларини амалга оширилмаганлиги”.

**2. 6-банднинг биринчи хатбоисидаги “тўққиз” сўзи “олти” сўзи билан, “Электрон ҳукумат” тизими идоралараро” сўzlари “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Солиқ қўмитасининг” сўzlари билан алмаштирилсин.**

**3. 7-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:**

“7. Солиқ хизмати органи тижорат банкларидан маълумот келиб тушгач ва (ёки) ушбу Низомнинг 5-банди талаблари бўйича солиқ органларининг Марказий маълумотлар базасида мавжуд маълумотлар асосида уч иш куни мобайнида тижорат ташкилотлари фаоллик ҳолатини фаолият кўрсатмаётган ҳолатга ўзгартиради ва ушбу ташкилотлар тўғрисида Тизим орқали рўйхатдан ўтказувчи орган ва рўйхатдан ўтган жойдаги давлат статистика органларини хабардор қилади”.

**4. 8-банднинг тўққизинчи хатбоиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:**

“д) Марказий маълумотлар базасида мавжуд ҳамда бошка органлар, муассасалар ва ташкилотлардан тақдим этилган маълумотлар асосида тижорат ташкилотининг фаолиятини ахборот тизимлари орқали текширувдан олдинги таҳлилдан ўтказади”.

**5. 1-иловада:**

1-босқич “Тадбирлар” устунидаги “тўққиз” сўзи “олти” сўзи билан, “Электрон ҳукумат” тизими идоралараро” сўzlари “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Вазирлар Маҳкамаси

хузуридаги Солиқ қўмитасининг” сўзлари билан алмаштирилсин;

2-босқич “Тадбирлар” устуни қўйидаги таҳирда баён этилсин:

“Тижорат банкларидан маълумот тушган ва (ёки) ушбу Низомнинг 5-банди талаблари бўйича солик органларининг Марказий маълумотлар базасида мавжуд маълумотлар асосида тижорат ташкилотлари фаоллик ҳолатини фаолият кўрсатмаётган ҳолатга ўзгаришиш ва бу тўғрисида Тизим орқали рўйхатдан ўтказувчи орган ва рўйхатдан ўтган жойдаги давлат статистика органларини хабардор қилиш”.

3-босқич чиқариб ташлансин.

4-11-босқичлар тегишинча 3-10-босқичлар деб ҳисоблансин.

**6. 2-илова номидаги “тўққиз” сўзи “олти” сўзи билан алмаштирилсин.**